

Январ ойида "Ўзкимёсаноат" АЖ ва тармоқ корхоналарида бўлиб ўтган муҳим воқеалар

// 01 феврал 2024 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/yanvar-oyida-uzkimyosanoat-azh-va-tarmoq-korhonalari-da-bulib>



Жорий йилнинг ўтган январ ойида "Ўзкимёсаноат" Акциядорлик жамияти ҳамда тармоқ корхоналарида бўлин ўтган воқеа ва тадбирларни эслаймиз.

- 2023-йилда ҳудуддаги корхона ва ташкилотларда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар бўйича "Навоийазот" АЖ энг намунали ташкилот деб топилди.

- “Навоийазот” АЖ фаолияти ҳақида “Ўзбекистон 24” телеканалда махсус репортаж намойиш этилди.
- “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚК ёшлари “Заковат” интеллектуал турнирининг туман босқичида фахрли 1-ўринни эгаллашди.
- “Деҳқонобод калий заводи” АЖ фаолияти ҳақида “Қашқадарё МТРК” телеканалда махсус репортаж намойиш этилди.
- “Ўзкимёсаноат” АЖда “Ватанни ҳимоя қилиш – фуқаролик бурчимиз” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.
- “Ўзкимёсаноат” АЖда Техник қўмитанинг 4-йиғилиши бўлиб ўтди.
- “Навоийазот” АЖда “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди.
- Д.И.Менделеев номидаги РКТУ Тошкент филиали талабаси “Ўзбекистан ГТЛ” стипендияси соҳибаси бўлди.
- “Махам-Чирчиқ” АЖнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратишда қилинган ишлар бўйича йил сарҳисоблари эълон қилинди.
- “Ўзкимёсаноат” АЖда “Қон топшир, ҳаёт инъом эт” донорлик акцияси бўлиб ўтди.
- Кимё гирлс Республика кимё олимпиадаси учун рўйхатдан ўтиш бошланди.
- “Ўзкимёсаноат” АЖда Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати